



«Тасдиқлайман»  
Охангарон туман Ободонлаштириш  
Бошқармаси бошлиғи  
П.Шеров

21.07.2022 й

Охангарон тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072 сонли қарор ижроси бўйича Охангарон туман Ободонлаштириш бошқармасининг тендер ишчи комиссиясининг йиғилиш баённомаси

№ 4

Комиссия раиси: П.Шеров

Аъзолари Ж.Хайталиев  
И.Меликов  
С.Яйлавова  
З.Эргашев

Қатнашдилар Комиссия раиси, 4 нафар комиссия аъзолари ва Тошарик МФЙ 4 нафар маҳалла фаолари

#### КУН ТАРТИБИ:

1. “Очик бюджет” порталида лойиҳасида ғолиб бўлган “Тошарик” маҳалла фуқаролар йиғини худудида 2 375 метр ички хўжалик йўллари таъмирлаш учун энг яхши қурилиш ташкилотини танлаш тўғрисида.
2. Уз-ЕХ –тендерда 8 та иштирокчини қўйилган талаблар асосида балли тизим орқали баҳолаш.
3. Умумий масалалар.

Йиғилиш кун тартиби бўйича сўзга чиққан йиғилиш раиси П.Шеров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072 сонли қарор ижроси бўйича Охангарон тумани Тошарик МФЙ худудида жойлашган Истиклол, Фаровон ва Наврўз кўчаларини ички йўллари таъмирлаш бўйича 8 та қурилиш ташкилотлари хусусан “ROAD CONSTRU PROJECT INVEST” МЧЖ, “ART REM STORY GROUP” МЧЖ, “Авангард Идиал Плюс” МЧЖ, “Тандем қурилиш” МЧЖ, “MONUMENT STROY” МЧЖ, “GEOSTROY PRESTIJ” МЧЖ ҳамда Юқори-Чирчиқ ТЙФУК иштирок этаётганлигини, уларни баҳолашда қўнун талаблари асосида баҳолаш кераклигини айтиб ўтди.

Сўзга чиққан Ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Ж.Хайталиев юқорида айтилган ташкилотларни 3 йиллик шу соҳадаги иш тажрибаси, ташкилот тўғрисида умумий маълумотлари, ташкилот балансида техникалар мавжудлиги, ҳозирги кунда молиявий аҳволи, ташкилотни қурилиш объектини жойига бориб кўрганлиги бўйича баҳолаш, баҳолашда комиссия аъзоларидан қонун талаблари асосида иш кўриш кераклигини айтиб ўтди. Тошарик МФЙ худудида жойлашган Фаровон кўчасини 2375 метр ички йўллари таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича “MONUMENT STROY” МЧЖ ютиб

олганлигини 2022 йил 19-20 июль кунлари ишлар муҳокамага қўйилгани лекин бошқа иштирокчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар бўлмаганлигини айтиб ўтди.

Сўзга чиққан Бош ҳисобчи С.Яйлавова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072 сонли қарор ижроси тўлиқ ўз вақтида бажарилишини ва тўлиқ лавозим йўриқномасидан келиб чиққан ҳолда Инфратузилма объектларини сақлаш бўлими бошлиғи И.Меликов ва техник назоратчи З.Эргашевларга ички буйруқ орқали лойиҳа смета ҳужжатлари, экспертиза хулосаларини олиш, қурилиш ишларида тўлиқ иштирок этиш, қонуний равишда қабул қилиб олиш, қурилиши тугаланган объектларини топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси орқали қабул қилиш ҳамда қонун кўрсатилган талаблар асосида иш ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш ва бош ҳисобчига ўз вақтида тақдим этиб бориш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш қарор қилади:

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072 сонли қарор ижроси тўлиқ таъминлаш бўйича Тошарик МФЙ ҳудудида жойлашган Фаровон кўчасини ички йўллари таъмирлаш учун ишлар муҳокамага қўйилганини, Тошарик МФЙ ҳудудида жойлашган Фаровон кўчасини 2375 метр ички йўллари таъмирлаш ишларини “MONUMENT STROY” МСНЖ ютиб олинганлигини 2022 йил 19-20 июль кунлари ишлар муҳокамага қўйилган ҳамда бошқа иштирокчилар томонидан эътирозлар бўлмаганлиги сабабли ғолиб деб топилсин.
2. Бош ҳисобчи С.Яйлавовага ғолиб деб топилган “MONUMENT STROY” МСНЖ билан Тошарик МФЙ ҳудудида жойлашган Фаровон кўчасини 2375 метр ички йўллари таъмирлаш бўйича қонуний тартибда шартнома расмийлаштириб, 30% миқдорда аванс олдиндан тўловни тўлаб бериш вазифаси юклатилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5072 сонли қарор ижроси тўлиқ таъминлаш бўйича тўлиқ жавобгарлик вазифасини Инфратузилма объектларини сақлаш бўлими бошлиғи И.Меликов ва техник назоратчи З.Эргашевларни зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу йиғилиш баённомасининг қарор қисмида кўрсатилган вазифаларни назорат қилиб бориш Бош муҳандис Ж.Хайталиев зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби:



Г.Хайдаралиева

Танишдим:



1. Ж.Хайталиев

2. Меликов

3. Эргашев

4. Яйлавова

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

" 21 " июл 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Тошкент вилояти Охангарон тумани Ободонлаштириш бошқармаси» номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиги Шеров П бир томондан ва кейинги ўринларда «Хизмат кўрсатувчи» деб юритиладиган «MONUMENT STROY» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директор Эшманов О.К. иккинчи томондан, Тошарик МФЙ томонидан OPEN БЮДЖЕТ лойихаси ҳисобидан (Молия Вазирлиги ягона газначилик) Охангарон тумани «Тошарик мфй Истиклол кўчасини » 2,375 кмда **жорий таъмирлаш ишларини** бажаришга доир мазкур хизмат кўрсатиш шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан жорий таъмирлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ва жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари, қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида мазкур шартнома бўйича Буюртмачи томонидан Хизмат кўрсатувчига берилган йўл участкаси, йўл бўлими базаси ва шу йўлга боғлиқ барча йўл элементлари, ҳамда бошқа бинолар қиради.

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**Хизмат кўрсатувчи** – бевосита жорий таъмирлаш ишларини олиб борувчи субъект.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини тасдиқланган харажатлар сметасига биноан 2022 йил лимит доирасида бажариш, йўл ва йўл элементларини соз ҳолда тўлиқ сақлаб туриш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича «Хизмат курсатувчи» томонидан молиялаштириладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги 942603939 (Тўққиз юз қирк икки миллион олти юз уч минг тўққиз юз уттиз тўққиз) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Хизмат кўрсатувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи қуйидаги ишларни бажариш учун:

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даврида ушбу йўл қисмида йўл ва йўл ишпоотлари элементларини соз ҳолда сақлайди, бузилишнинг олдини олади;

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўтрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг йўлга таълуқли қарорларига ва бошқа амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя этилган узига хизмат курсатиш учун бириктирилган автомобиль йўлларида транспорт воситалари ва йўловчиларни кечаю-кундуз, йил ўн икки ой хавф-хатарсиз ўтишини таъминлашни;

Йўл ва йўл ишпоотларини жорий таъмирлашда ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топширишда қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда, унинг 1-илоvasида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмга бажарадиган ишларнинг сметасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлатади ва шу смета асосида белгиланган муддатларда, ўзининг кучи билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли қилиб бажаради ҳамда, ишни Буюртмачига ойма-ой мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

Йўлга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда, зарур ҳажмларда стқазиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва жорий таъмирлашни амалга оширади;

Мазкур шартнома асосида хизмат кўрсатаётган йўлда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарурий тадбирларни бажарилишини таъминлайди;

Мазкур шартнома асосида тегишли мутасадди ташиқлот билан назорат ўлчови ҳулосасини олиш, лойиҳанинг смета ҳужжатларида назарда тутилган меёрларга мувофиқлиги, амалда бажарилган ишлар учун тўловлар ҳужжатларга мувофиқлигини ҳамда ишларни тўлиқ бажарилганлигини, амалда бажарилган ишларни ҳажми, сифати ва қийматини бажарилган ишлар далолатномаларидаги кўрсаткичларга мос келиши бўйича назорат ҳулосасини олиш ва талаб этиладиган харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий техник кузатувчини ва мазкур шартномада қайд этилган Хизмат кўрсатувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Хизмат кўрсатувчидан амалда қилинган сарф-харажатларни ва бажарилган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Хизмат кўрсатувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Хизмат кўрсатувчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

зарур ҳолатларда қурилиш материаллари(асфальтбетон, цемент, темир бетон конструкциялари, кум, щебень, техник туз, в.б), йўл техникалари ва транспорт билан таъминлаши мумкин.

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Хизмат кўрсатувчи мазкур шартномада белгиланган ишларни 2022 йил 25 июлдан режалаштирилган. Хизмат курсатувчи билан Буюртмачи уртасидаги муносабатлар олдин вужудга келганлиги сабабли, ишларни бажариш муддати 2022 йил 25 июлдан бошланади деб ҳисобланади.

9. Мазкур шартнома бўйича хизматлар бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал қилиш имзоланган кундан 2022 йил 31 декабр гача.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

11. Буюртмачи томонидан Хизмат кўрсатувчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

12. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига шартномага асосан режалаштирилган ойлик иш ҳажмининг 30% фойз миқдорда Молия Вазирлиги ягона газначилик ҳисобидан орқали аванс маблағини ўтказди.
13. Жорий молиялаштириш даврида ўтган ой ҳисобидан буюртмачи олдида жорий таъмирлаш ишлари бўйича қайтариллиши лозим бўлган қарздорликни ва ажратилган аванс маблағини ойда амалда бажарилган ишларни тўлаш пайтида ушлаб қолинади.
14. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига жорий молиялаштириш даврида ўтган йили ҳисобидан тўланмай қолган қарздорликни жорий йилнинг лимити ҳисобидан Тошкент вилояти Газначилик бошқармаси орқали белгиланган тартибда тўлайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

15. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига топширган автомобиль йўлига ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник кузатувни амалга оширади, шунингдек, Хизмат кўрсатувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
17. Техник кузатувчи Хизмат кўрсатувчи томонидан ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда иштирок этиш ҳуқуқига эга;
18. Хизмат кўрсатувчи ўз фаолияти даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) иш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт билан, лозим топилганда ётоқ жой билан (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.
19. Хизмат кўрсатувчи бажарилган ишларнинг ҳажмларини, ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача йўлнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар расмийлаштириб Буюртмачига топширади.
20. Хизмат кўрсатувчи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўлида умумий тартибни таъминлайди.
21. Хизмат кўрсатувчи шартнома даврида мазкур йўл бўйича жорий таъмирлаш ишларининг ойма-ой бажарилишига, йўлдаги ноқонуний объектларга, йўлни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига, йўл сиёсатини олиб боришга, йўл экологиясига, йўл айби билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисасига йўлни назорат қилувчи органлар олдида ва маҳаллий ҳокимият олдида жавобгардир.
22. Хизмат кўрсатувчи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўлининг техник ҳолати, йўлда содир этилаётган ҳодисалар, ўзгаришлар тўғрисида ҳар кунлик тезкор хабарномани буюртмачига буюртмачи томонидан ташкиллаштирилган телеграм гуруҳи орқали етказди. Йўлдаги тўлиқ ўзгаришларни, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳисоботни (22-кўрсаткични, ҳаракат жадаллигини в.б йўл соҳасига таълуқли ҳисоботларни) ҳар ойнинг 25 кунига ва чоракда ёзма равишда буюртмачига тақдим этади.
23. Агар Буюртмачи Хизмат кўрсатувчи ва (ёки) унинг ёрдамчи нудратчилари томонидан ишларни сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Хизмат кўрсатувчи ўз қучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
24. Хизмат кўрсатувчи шартномага имзо чеккан вақтдан бошлаб шартнома тугагунга қадар Йўл бўлимининг дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Хизмат кўрсатувчининг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиб, аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, бажарилган ишлар ҳажми, тури ишларнинг қабул қилиб олинлиши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha хаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек, автомобиль йўлига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
25. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Хизмат кўрсатувчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.
26. Хизмат кўрсатувчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 5 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ

27. Хизмат кўрсатувчи шартномада кўрсатилган автомобиль йўлларни, сунъий иншоотларни, йўл элементларини, йўлга тегишли дарахтларни, гулларни, Йўл бўлими базасини, қурилиш материалларини, асбоб-ускуналарни, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкларни қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

## (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

28. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

29. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР

### 30. Хизмат кўрсатувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; харажатлар сметаси ва жорий йилга ажратилган лимит доирасида қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан жорий таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, Халқаро стандартларига ҳамда, техник шартларга мувофиқлигини;

йўлларни жорий таъмирлашда ишлатиладиган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Агар Буюртмачининг вакили томонидан берилган кўрсатмалар(сифатсиз бажарилган ишлар) кейинги ойнинг охиригача бажарилмаса, нуксонлар аниқланса, у ҳолда Хизмат кўрсатувчига бажарилган ишлари учун тўланадиган маблағдан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

32. Хизмат кўрсатувчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йуллари Кумитаси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 33. Буюртмачи:

Буюртмачи мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатувчи ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи бу ҳақда Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилмаган бўлса, шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

шартнома кучга киргандан кейин йўлларни жорий таъмирлаш ишларининг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Хизмат кўрсатувчи томонидан бир ҳафтадан кўп вақтга кечиктирилганда; Хизмат кўрсатувчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 34. Хизмат кўрсатувчи:

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Хизмат кўрсатувчининг қўшма қарорига кўра 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Хизмат кўрсатувчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

38. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа Қонун ҳужжатларида ҳамда, мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

39. Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган Хизмат кўрсатувчи ташкилот қопунчилиқка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган ишлар ва хизматларга;
- Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йуллари Кумитаси, Буюртмачи, тегишли текширувчи органларнинг кўрсатмаларини белгиланган муддатда тугалланмаганлигига;
- Йўлдаги экологиянинг бузилишига;

- Жорий таъмирлаш жараёнида назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суришига;
- йўлни қабул қилинган пайтдаги ҳолатига қараганда хизмат кўрсатиш даврида йўлнинг техник ҳолати ёмонлашувига олиб келганига;
- йўл ва йўл элементларининг асоссиз камайиб кетишига ва йўқолишига;
- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўлақонли бажармаганига тўлиқ мулкӣ жавобгардир.

40. Агар Хизмат кўрсатувчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи Хизмат кўрсатувчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда, нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

41. Агар Хизмат кўрсатувчи мазкур шартномага асосан йўл ва йўл иншоотларини талаб даражасида сақламаса ёки йўлнинг айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисасига жавобгардир.

42. Хизмат кўрсатувчи томонидан йўл хавфсизлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни ўз вақтида бажармаган бўлса, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

43. Буюртмачи Хизмат кўрсатувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

#### XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал эта олмаса улар Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

45. Хизмат кўрсатувчи Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, йўлларни жорий таъмирлаш ишларига ёрдамчи пудратчиларни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

46. Буюртмачи билан Хизмат кўрсатувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқадиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланади.

47. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги Қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

48. Мазкур шартнома Тошкент вилояти Газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳақиқӣ ҳисобланади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛИЯТИ.

50. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "коррупсияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

51. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

52. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

53. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар, жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

54. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқудайликлар туғдириб, коррупсиявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

55. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

56 Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

**XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

БУЮРТМАЧИ	ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
<p>Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Ободонлаштириш бошқармаси Манзил: Тошкент в.Оҳангарон шаҳар Тел: +998931744443 ш.ғ.х.4017 2286 0272 1270 4520 4110 001 Ташкилотнинг СТИРи 207061230 Молия Вазирлиги ягона газначилик ҳисоб варағи ЯҒХ 2340 2000 3001 0000 1010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ МФО 00014 Газначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919 Буюртмачи раҳбари бошлик Шеров П</p>	<p>ООО "MONUMENT STROY" Тошкент шаҳар Шайхантохур тумани Кукча дарвоза кучаси 314 уй Тел 97-707-67-31 Х/р 20208000400400369001 В ЧАКБ Давр Банк Чиланзарский филиал МФО 01046 Инн 303082324 ОКЕД 43990 Оконх 61110 НДС 326060020586</p>



*Шеров П*





## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

### 1. Loyihaning turi. Shartnoma

### 2. Loyihaning nomi.

Ohangaron tuman obodonlashtirish boshqarmasi va "Monument stroy" MCHJ o'rtasida tuzilgan yo'llarni ta'mirlash xizmatini amalga oshirish to'g'risidagi shartnoma loyihasi (hujjat raqami QJ81603104)

### 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Ohangaron tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 22.07.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ohangaron tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti



S.Aktamova

2022 yil 22 iyul

010319



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MONUMENT STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MONUMENT STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.11.2014

010319-08

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303082324

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, Ko'kcha Darvoza ko'chasi 314 uy. .

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 121458 на приобретение Тошкент вилояти Охангарон тумани Тошариқ мфй Истиқлол кўчасини асфалтлаш (L=2375м)

Способ проведения электронный

Дата 19.07.2022

Время рассмотрения 19.07.2022 08:55

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Охангарон туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SHEROV PAYZULLA AXMADALIYEVICH	Директор	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	HAYDARALIYEVA GULCHEXRA SULOYMON QIZI	Бош мутахассиси	Котиби
Член комиссии	XAYTALIYEV DJASUR ABDIGANIYEVICH	Бош мухандис	Комиссия азоси
Член комиссии	MELIKOV IKROM YULDASHEVICH	булим бошлиги	Комиссия азоси
Член комиссии	vvv	Техник	Комиссия азоси
Член комиссии	YAYLAVOVA SAYYORA ISMATILLAYEVNA	Бош хисобчи	Комиссия азоси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.07.2022 года № лота 121458.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Тошкент вилояти Охангарон тумани Тошариқ мфй Истиқлол кўчасини асфалтлаш (L-2375м)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1056 926 339.00
Стартовая сумма	1056 926 339.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	2	997000000	0	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	2	1025198951	0	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	2	Курилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги	0	Экспертная		
ООО TANDEM QURILISH	2	2	0	Экспертная		
Enter Road MCHJ	2	Курилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.	0	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	2	2	0	Экспертная		
ООО ART REM STROY GROUP	2	100	0	Экспертная		
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	2	Хужжат мавжуд, илова қилинади.	0	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффиценти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	34	997000000	30	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	34	1025198951	32	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	34	Молиявий аҳволи	32	Экспертная		
ООО TANDEM QURILISH	34	34	20	Экспертная		
Enter Road MCHJ	34	1	25	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	34	34	25	Экспертная		
ООО ART REM STROY GROUP	34	100	25	Экспертная		
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	34	Хужжат мавжуд, илова	32	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		қилинади.				

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	19	997000000	19	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	19	1025198951	17	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	19	Умумий маълумотлар	19	Экспертная		
ООО TANDEM QURILISH	19	19	15	Экспертная		
Enter Road MCHJ	19	Умумий маълумотлар	17	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	19	19	16	Экспертная		
ООО ART REM STROY GROUP	19	100	16	Экспертная		
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	19	Хужжат мавжуд, илова қилинади.	18	Экспертная		

Критерий №4 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50% ) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	25	997000000	15	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	25	1025198951	20	Экспертная		
MONUMENT STROY	25	Объектга ўхшаш	25	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСИИ		объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси				
ООО TANDEM QURILISH	25	25	15	Экспертная		
Enter Road MCHJ	25	Уч йиллик бажарилган иш хажмлари	15	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	25	25	22	Экспертная		
ООО ART REM STROY GROUP	25	100	20	Экспертная		
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	25	Хужжат мавжуд, илова қилинади.	25	Экспертная		

Критерий №5 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхат

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзига дарувчилар - 2 дона; 2. Асфальт қизғич кенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси - 1 дона (ижара асосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	20	997000000	18	Экспертная		
ООО Геострой Престиж	20	1025198951	15	Экспертная		
MONUMENT STROY MCHJ	20	Машина ва механизмлар	15	Экспертная		
ООО TANDEM QURILISH	20	20	15	Экспертная		
Enter Road MCHJ	20	Машина ва механизмлар руйхати илова қилинди	10	Экспертная		
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	20	20	15	Экспертная		
ООО ART REM STROY GROUP	20	100	19	Экспертная		
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	20	Хужжат мавжуд, илова қилинади.	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	1 056 926 339.00	1 025 218 548.79 UZS	1 025 218 548.79	00.00	1 025 218 548.79	18.07.2022 16:15:06	27.58
Enter Road MCHJ	1 056 926 339.00	1 056 926 339.00 UZS	1 056 926 339.00	00.00	1 056 926 339.00	18.07.2022 14:05:48	26.76
ООО TANDEM QURILISH	1 056 926 339.00	1 007 816 400.00 UZS	1 007 816 400.00	00.00	1 007 816 400.00	18.07.2022 13:41:10	28.06
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	1 056 926 339.00	1 005 136 948.00 UZS	1 005 136 948.00	00.00	1 005 136 948.00	18.07.2022 14:46:37	28.13
ООО ART REM STROY GROUP	1 056 926 339.00	1 051 641 707.00 UZS	1 051 641 707.00	00.00	1 051 641 707.00	18.07.2022 15:25:03	26.89
ООО Геострой Престиж	1 056 926 339.00	1 025 198 951.00 UZS	1 025 198 951.00	00.00	1 025 198 951.00	15.07.2022 21:07:39	27.58
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	1 056 926 339.00	997 000 000.00 UZS	997 000 000.00	00.00	997 000 000.00	15.07.2022 12:01:04	28.36
MONUMENT STROY MCHJ	1 056 926 339.00	942 603 939.00 UZS	942 603 939.00	00.00	942 603 939.00	16.07.2022 11:42:31	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST	65.8	27.58	93.38
Enter Road MCHJ	46.9	26.76	73.66
ООО TANDEM QURILISH	45.5	28.06	73.56
AVANGARD IDEAL PLYUS MCHJ	54.6	28.13	82.73
ООО ART REM STROY GROUP	56	26.89	82.89
ООО Геострой Престиж	58.8	27.58	86.38
УП YUQORICHIRCHIQ TUMAN YO'LL	57.4	28.36	85.76
MONUMENT STROY MCHJ	63.7	30	93.7

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 121458 от 19.07.2022 года на приобретение Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Тошариқ мфй Истиқлол кўчасини асфалтлаш (L=2375м) определила победителем:

MONUMENT STROY MCHJ  
303082324

и резервный исполнитель: ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST (305664150)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SHEROV PAYZULLA AXMADALIYEVICH	Согласен	

Член комиссии	XAYTALIYEV DJASUR ABDIGANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MELIKOV IKROM YULDASHEVICH	Согласен	
Член комиссии	YAYLAVOVA SAYYORA ISMATILLAYEVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП